

## № 51 -сонли пудрат шартномаси

Жиззах шаҳар

28 январ 2022 йил

Жиззах вилояти автомобил йуллари бош бошкармаси (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи ташкилот директори вазифасини бажарувчиси **Х.Рахматов** ва **Фориш туман** йуллардан фойдаланиш корхонаси (кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи корхона директори **Ф.Хакимов** мазкур шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

### 1. Шартнома предмети

1.1. Пудратчи ўз зиммасига буюртмачининг топшириғига кўра ўз материалларидан фойдаланиб: мазкур шартноманинг 1.2.-бандида кўрсатилган ишларни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига топшириш мажбуриятини олади, буюртмачи эса ишларнинг натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Пудратчи кейинги ўринларда “Ишлар” деб аталадиган умумфойдаланувдаги давлат аҳамиятга эга бўлган куйидаги автомобиль йуларида **кишки қаров ишларини** бажариш мажбуриятини олади:

1) 4 р36 "Жиззах ш-Янгикишлоқ к -Кизилча к-Кизилқум Халка йули" автойули узунлиги 90 км, 24-114 км оралигида

2) 4 р 37 "Жиззах ш -Чимқургон к-4р36 автойули" а/йули узунлиги 6 км, 40-46 км оралигида

3) 4р270 4Р-57 а/йули-Боймўрод к.-Дарбаза к.-Кандибай к-Чордара сув омбори а/йули узунлиги 140 км, 22-162 км оралигида

4) 4 р 42 "М-39 автойули "Галлаорол к-Куйтош к -Янгикишлоқ шаҳарчаси автойули узунлиги 39 км. 52-91 км оралигида

5) 4 р240 "Осмонсой к - Учқулоч к-Узунқудук к -Янгикишлоқ к" автойули узунлиги 46 км. 0-46 км оралигида

1.3. Пудратчи ишларни ўзининг материалларидан, ўзининг машина-механизмлардан, ўзининг асбоб-ускуналари билан бажаради.

1.4. Пудратчи томонидан ишларни бажариш куйидаги жадвал асосида амалга оширилади:

Ишлар номи	Йул узунлиги (км)	2022 йил (минг сумм)	1-чорак жами	шу жумладан		
				Январ	Феврал	Март
Кишки қаров ишларн	321	120 000,0	120 000,0	60 000,0	60 000,0	
Шу жумладан ҚҚС		15 652,174	15 652,174	7 826,087	7 826,087	

1.4.1. Ишлар буюртмачи ёки унинг ваколатли вакили томонидан ишларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин бажарилган деб ҳисобланади.

### 2. Шартноманинг баҳоси ва ҳисоблашишлар тартиби

2.1. Мазкур шартноманинг баҳоси **120 000 000 (Бир юз йигирма миллион)** сўмни ташкил қилади.

2.2 Буюртмачи томонидан пудратчига шартнома баҳосини тўлаш пудратчининг мазкур шартномада кўрсатилган ҳисоб-китоб ҳисобварағига пул маблағларини кўчириш йўли билан амалга оширилади.

### 3. Мажбуриятларнинг бажарилиши муддати

3.1. Буюртмачи 10 (Ўн) банк куни давомида ҳар ойда пудратчига шартномада кўрсатилган режалаштирилган ойлик иш ҳажми 40% миқдорида аванс бериш йўли билан тўловларини амалга оширилади. Кейинчалик ҳисобот ойнанинг якуни билан шартнома назарда тутилган маблағлар доирасида ажратилади аванс тўловлари ҳар ой чегириб ташланган ҳолда амалда бажарилган ишларга ойма-ой молиялаштирилади.

3.2. Мазкур шартнома ғазначилик бўлимида рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб кучга киради ва 31 декабр 2022 йилгача амал қилади.

### 4. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

#### 4.1. Пудратчининг мажбуриятлари:

4.1.1. Автомобиль йуллари ва йўл иншоотларини сақлаш ишларини буюртмачи томонидан тасдиқланган сметаларга мувофиқ автомобиль йўлининг бутун узунлигида бутун йил давомида унинг барча элементлари ва иншоотлари бўйича мунтазам равишда амалга ошириш.

4.1.1.1. Ер кўтармаси ва сув кетказиш тизими бўйича:

ажратилган минтақани, йўл четларини, нишабликларни ва ажратувчи тасмаларни мунтазам равишда озода ва тартибли сақлаш, чиқиндилардан ва бегона буюмлардан тозалаш, текислаш;

кесилган қолдиқларни йиғиштириб олган ҳолда ўтларни ўриб олиш ва буталарни кесиш, ножоиз ўсимликларни кимёвий усул билан йўқ қилиш, йўл четларини чанг ва ифлосликлардан тозалаш;

сув кетказиш тизимини мунтазам равишда иш ҳолатида сақлаш, йўл четидаги ариқларни ва сув кетадиган зовурларни тозалаш ва қиялаб текислаш, уларнинг мустаҳкамланган жойлари нуқсонларини тузатиш ёмғир

канализацияси, дренаж қурилмалари, кўприк ва қувурларнинг сув кириш-чиқиш ўзанлари, тез оқар сув ўтказгичлар ва сув туширгичларнинг майда носозликларини бартараф этиш;

кўтарма ва ўймаларнинг нишабликлари носозликларини тузатиш ва текислаш (зарурият бўлса тупрок қўшган ҳолда);

мустаҳкамланмаган йўл четларини қирқиш, текислаш ва зичлаш, мустаҳкамланган йўл четларидаги бузилишлар ва шикастланишларни бартараф этиш;

белгиланмаган жойлардаги кириш ва чиқиш жойларини тугатиш, ёзги трактор йўлларини қуриш ва қиялаб текислаш;

табiiй муҳитни муҳофаза қилишни таъминлаш чора-тадбирларини бажариш, автомобиль йўлларининг йўлдоли тасмасини қуриш ва белгилаш;

#### 4.1.1.2. Йўл тўшамаси бўйича:

Йўл қопламасини чиқинди, чанг ва ифлосликлардан, қор, муздан мунтазам равишда тозалаш, бегона буюмларни йиғиштириш, қум ва сирпанчикқа қарши аралашмалар сепиш йўли билан автомобиль йўлларининг қатнов қисми музгарчилиги ва сирпанчиқлигини бартараф этиш, шунингдек битумнинг терлаши натижасида ҳосил бўлган сирпанчиқликни бартараф этиш;

йўлларни чангсизлангириш;

кабарикли ва кучсиз тупроқли йўл участкаларига қараш (вақтинчалик тўсиш ва ҳаракатни тартибга солиш, шчитлар, тахталар, шох-шаббалар ва бошқа материаллар билан ёпиш, шунингдек зарурияти бўлмаганда уларни йиғиштириб олиш);

• локал карталар билан майда заррали юза қатлам воситасида ёриқлар ва ёриқларнинг тўрлари кучайишининг олдини олиш ва уларни тўхтатиш;

цемент-бетон қопламалар плиталарининг парчаланган ва синган жойларини юза емирилишлардан таъмирлаш;

шағалли, чақик тошли ва тупроқли қопламаларнинг кесимини тўғрилаш;

#### 4.1.1.3. Сунъий иншоотлар бўйича:

кўприк кўтармаси элементларини, фермаости майдончаларни, таянч қисмларни, оралик қурилмалар элементларини, тахта зиналарни, таянчлар, қувурлар, тоннеллар ва бошқа иншоотларни чанг ва ифлосликдан тозалаш;

конуслар, нишабликлари, кўприкости ўзанларни, шунингдек сув ўтказиш қувурларнинг ўзанларини ва қувурлар устидаги кўтармалар нишабини тозалаш (шу жумладан, ўсимликлардан тозалаш);

тошқин сувларини ўтказиб юбориш, қор ва музни йиғиштириб олиш, тозалаш иншоотларига қараш ва уларга хизмат кўрсатиш, автомобиль йўллари ва иншоотларини сув тошқинидан ҳимоя қилиш, тикилиб қолган жойларни тозалаш, тошқинга қарши тадбирлар;

таянчлар ва оралик қурилмаларнинг металл конструкциялари элементларини қисман бўйлаб, нуқсонли миҳпарчинларни алмаштириш, болтларни тортиш, металлдаги ёриқларни таъсир кўрсатмайдиган ҳолатга келтириш, тўсинларнинг темир-бетон плиталар билан бирлашадиган жойларини ва ферма боғламларини тиклаш;

тоннеллардан хавфсиз фойдаланиш учун локал участкаларда тоннелларнинг шикастланган қопламаларини ва сув кетказиш новлари, гидроизоляция, вентиляция ва ёритиш тизими, ёнғинни ўчириш, аварияга қарши ва бошқа техник қурилмалар шикастланишларини бартараф этиш;

кўприк кўтармасининг барча элементларини ҳамда кўтарма билан туташиб кетадиган зонани, фермаости майдончаларни, таянч қисмларни, оралик қурилмаларни, таянчларни, конуслар ва бошқарувчи иншоотларни, бориш жойлари ва тахта зиналарни қор ва муздан тозалаш;

#### 4.1.1.4. Автомобиль йўлларини жиҳозлаш ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича:

белгиларга қараш, шикастланган йўл белгиларини алмаштириш ва етишмаётганларини янгидан ўрнатиш;

автобус бекатларини, пиёдалар ўтиш жойлари, дам олиш майдончалари, йўл белгилари учун конструкциялар, тўсиклар, йўналтирувчи қурилмалар, шийпончалар ва уларнинг жиҳозлари элементлари, шунингдек шовқиндан ҳимоя қиладиган қурилмаларни бўйлаб ҳолда озода ва тартибли сақлаш, автомобиль йўлларини меъморий-бадий безашнинг шикастланган айрим элементларини тузатиш, ушбу элементларга керакли тарзда қараш, ҳожатхоналар, йўл-таъмирлаш пунктлари, йўл усталари уйлари тозалаш;

шийпончалар, ўриндиклар, паннолар ва бошқаларни ўрнатиш ҳамда бўйлаб ҳолда озода ва тартибли сақлаш, ичимлик сув манбалари ва артезан қудуқлари қазилар, уларни озода ва тартибли сақлаш;

ҳаракатни ҳисобга олиш пунктларини сақлаш, тиклаш ва янгидан қуриш, йўл конструкциясининг ва автомобиль йўли ишини ўрганиш учун зарур бўлган бошқа қурилмаларнинг, автомобиль йўлининг алоҳида элементлари ва иншоотларининг ҳолатини баҳолаш;

автомобиль йўллари ва йўл иншоотларининг баланс қийматига киритилган тарозида тортишни назорат қилиш пунктларини, сув ўлчаш постларини, метеорологик пунктларни, об-ҳаво шароитлари ва ҳаракат шарт-шароитлари мониторинги тизимини, технологик ва сигнал берувчи-қақирувчи алоқани, кабель тармоғини, шунингдек светофор объектларини, ҳаракатни ташкил этиш воситаларини, ҳаракатни диспетчер орқали ва автоматлаштирилган бошқариш воситаларини сақлаш;

хизмат қилиш муддатини ўтаб бўлган вертикал ва горизонтал йўл белгиларини, шу жумладан сунъий иншоотлар элементларидаги йўл белгиларини ўчириш, эскирганларини тиклаш ва янгидан қилиш;

йўл тўсиклари ва йўналтирувчи қурилмаларни тузатиш, автомобиль йўлини жиҳозлаш элементлари ва белгиларига қараш;

автобус бекатлари, павильонлар, йўлкалар ва дам олиш майдончаларини қор ва муздан доимий равишда тозалаш.

#### 4.1.2. Ишларнинг натижасини ўз вақтида буюртмачига топшириш.

4.1.3. Агар пудратчи ишларни бажариш жараёнида шартнома шартларидан ишларнинг сифатини ёмонлаштиришга олиб келадиган четга чиқишга йўл қўйган бўлса, буюртмачининг талабига биноан аниқланган барча камчиликларни 3 (Уч) кун ичида текинга бартараф этиш.

4.1.4. Техника хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги ва объектни қўриқлаш бўйича зарурий чора-тадбирларнинг бажарилишини таъминлаши;

4.1.5. Ишларни шахсан бажариш.

#### 4.2. Пудратчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

4.2.1. Буюртмачи томонидан мазкур шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган ҳақ тўлаш мажбурияти бажарилмаганда, пудратчи ишларини тухтатиш, бекор қилиш ҳуқуқига эга.

#### 4.3. Буюртмачининг мажбуриятлари:

4.3.1. Пудратчидан ойлик ишлар тугалланганлиги ҳақида хабарнома олгандан кейин 3 (Уч) кун ичида ишларнинг натижасини кўриб чиқиш ва қабул қилиш, ишларнинг натижасини ёмонлаштирадиган шартномадан четга чиқишлар ёки ишлардаги бошқа камчиликлар аниқланганда, булар ҳақида пудратчига дарҳол хабар бериш.

4.3.2. Ишларнинг натижаларини қабул қилган пайтдан мазкур шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган ҳисоблашишлар тартиби бўйича ишлар учун ҳақ тўлаш.

#### 4.4. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

4.4.1. Ҳар қандай вақтда пудратчининг фаолиятига аралашмаган ҳолда у томонидан бажариладиган ишларнинг бориш жараёни ва сифатини текшириш.

4.4.2. Буюртмачи Пудратчининг бажарилган ишлари ҳажмидан ёки молиявий ҳисоб китобларидан аниқланган камчиликлар натижасида Буюртмачига қайтариладиган маблағ ва бошқа туловлар бўйича мажбуриятларни уз вақтида бажармаса, Буюртмачи ушбу маблағни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан чегириб қолиши ҳуқуқига эга.

### **5. Тарафларнинг жавобгарлиги**

5.1. Пудратчи шартномада кўзда тутилган ҳар бир ойда бажарилиши керак бўлган ишларни бажариш муддатини бузганлиги учун буюртмачига шартнома суммасидан 2 % миқдорда жарима ва ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

5.2. Бажарилган ишлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи пудратчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,1 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

5.3. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи фуқаролик қонунчилиги меъёрларига мувофиқ қўлланади.

5.4. Неустойка тўлаш тарафларнинг улар олдида турган мажбуриятларини бажаришдан ёки шартларнинг бузишини бартараф этишдан озод этмайди.

### **6. Форс-мажор ҳолатлари**

6.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. (Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер қимирлаши, сув тошқини, ёнгин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.)

6.2. Бартараф қилиб бўлмайдиган кучларнинг мавжудлиги ёки амалда давом этаётганлигини Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг шунга оид қарорлари ёки бошқа ваколатли органлар томонидан берилган гувоҳномалари унинг етарли даражадаги тасдиғи бўлиб ҳисобланади.

6.3. Ўз мажбуриятини бажармаган тараф шартнома бўйича мажбуриятни бажаришга унинг таъсир кўрсатиши ёки монелик қилиши тўғрисида бошқа тарафга имкон қадар тезда хабар бериши лозим.

### **7. Низоларни ҳал этиш тартиби**

7.1. Мазкур шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар тарафлар ўртасида имкон қадар музокаралар йўли билан ҳал этилади.

7.2. Низоларни тарафларнинг музокаралари йўли билан ҳал этиш имкони бўлмаган тақдирда, тарафлар келишмовчиликларни бартараф этиш борасида қонунчиликда кўзда тутилган судгача бўлган жараёнларни амалга оширилганларидан сўнг уларни Жиззах вилояти Иқтисодий судида кўриб чиқишга топширадидлар.

### **8. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби**

8.1. Ушбу шартномага ҳар қандай киритилган қўшимча ва ўзгартишлар ёзма равишда расмийлаштирилиб, ҳар иккала тараф имзолаган ҳоллардагина ҳақиқий кучга эга бўлади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тарафларнинг келишуви буйича Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодекси ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар буйича, етказилган зарарларни қоплаш билан амалга оширилиши мумкин.

8.3. Буюртмачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

-Пудратчининг айби билан ишларнинг боришини сусткашлик билан тухташиб турилиши,

-Пудратчининг шартнома шартларини бузиши натижасида лойиҳада кўрсатилган ишларнинг сифати пасайганда.

8.4. Пудратчи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

-Буюртмачи томонидан кейинчалик ишларни молиялаш имконияти йўқотилганда.

8.5. Шартномани бекор қилишга қарор қилган тараф бошқа тарафга ёзма хабарнома юборади.

## 9. Яқуний қондалар

9.1. Мазкур шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, улар фақат ёзма шаклда тузилиб, тарафларнинг бунга ваколатли вакиллари томонидан имзоланганидан сўнг ҳақиқий ҳисобланади.

9.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди. Иккала нусха айнан бир хил ва тенг кучга эга. Тарафларнинг ҳар бирида мазкур шартноманинг бир нусхаси мавжуд.

9.3. Шартномага ҳуқуқшунос хулосаси ва тулов жадвали илова қилинади.

## 10. Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари

### «Пудратчи»

Фориш ТЙФК  
(иш бажарувчи номи)

Адрес: Фориш тумани Янгикишлоқ кўрғони  
Эсанқулов кўчаси 7 уй.

Тел./факс \_\_\_\_\_

х/р 22626000400395896001

Банк номи ТИФ Миллий банк Жиззах бўлими

МФО 00121 ИНН 200340600

ОКОНХ 61129

### «Буюртмачи»

Жиззах вилояти АЙББ  
(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Адрес: Жиззах ш. Пахтакор куча 10

Тел./факс 224-04-57

ш/х 304510860084017045172118001

ИНН 201988537

ОКОНХ 97400

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги

Газначилиги

ЯҒХ: 23402000300100001010

Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош

бошқармаси ҳисоб китоб касса маркази

МФО: 00014

Жиззах вилоят газначилик бўлини маси

ИНН: 201122919



*[Handwritten signature]*

Ф.Ҳақимов  
(имзо) (Ф.И.Ш)

Раҳбар



*[Handwritten signature]*

Х.Раҳматов  
(имзо) (Ф.И.Ш)

М.Ў

Ҳуқуқшунос

*[Handwritten signature]*

Х.Турғунов